

Бизга баракани ато этган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!



12:51 / 29.12.2022 2937

Бемор бўлиб шифокорга бормасдан ойнанинг якун топиши - баракадир.

Яхши, оддийгина таом еб, унга тўйишинг - баракадир.

Бировдан маблағ қарз олмасдан ойнанинг якун топиши - баракадир.

Оилангни ой якунига етганда ҳам атрофингда офиятда юриши - баракадир.

Ҳалоллик бор жойда барака бўлади.

Барака - бу унум дегани, фойда дегани. Яъни, арзимаган ризқ баракали

Бўлиши дегани – ўша ризқнинг фойдали ва унумли бўлишидир.

Биз учун манфаатли бўлиши – баракали бўлди дегани.

Умрингга баракот берсин дегани – умринг унумли ва манфаатли бўлсин, деганидир.

Барака қачон унумли ва манфаатли бўлади? Қачонки, инсоннинг қилаётган ҳаракати ҳалол бўлса, нияти ҳалол бўлса. Шундагина меҳнат ва ҳаракатнинг замирида содир бўладиган ишда барака ва файз бўлади.

Барака – яхшилиқнинг зиёда бўлиши, униб-ўсиши, барқарор ва давомли бўлишидир.

Барака – вақтга тушса, уни кенгайтиради, инсон ўша вақт ичида кўп ишларни қилишга улгуради.

Барака – жасадга тушса, уни қувватли қилиб, кўп нарсага имконияти етишига сабаб бўлади.

Барака – фарзандларга тушса, уларнинг солиҳ, ахлоқли бўлишига сабаб бўлади.

Барака – пулга тушса, у пулнинг кўп нарсаларга етишига сабаб бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 23 йил ичида бутпарастлик, жаҳолатни йўқотиб, тавҳид, ахлоқ, маърифатни ёйдилар. Инсониятга устозлик қиладиган умматни тарбия этдилар. Булар вақт, умр, тана, даъват ишларига берилган бараканинг кўринишидир.

Аллоҳ таоло ерни баркали қилиб қўйгани ҳақида Қуръони Каримда шундай деган:

﴿۹﴾ الْعَالَمِينَ رَبُّ ذَلِكَ أَدَا لَهُمْ وَيَجْعَلُونَ يَوْمَئِذٍ فِي الْأَرْضِ خَلْقًا لَّذِي لَتَكْفُرُونَ أَيُّكُمْ قُلْ

﴿۱۰﴾ لِلْسَّابِقِينَ سَوَاءٌ أَيَّامٌ أَرْبَعَةٌ فِي أَقْوَامِهَا فِيهَا وَقَدَّرَ فِيهَا وَبَرَكَ فَوْقَهَا مِنْ رُؤْسِ فِيهَا وَجَعَلَ

«Сен: «Сизлар ҳақиқатан ҳам, ерни икки кунда яратган Зотга куфр келтиряпсизми ва Унга тенгдошлар қияпсизми?! Ахир бу оламларнинг Робби-ку!»

«У Зот ўша(ер)нинг устида барқарор тоғларни қилди, уни баракотли қилди ва унинг (аҳли) ризқини тўрт кунда ўлчовли этиб тақдир қилди. Бу сўровчилар учундир», - деб айт» (Фуссилат сураси, 9-10-оятлар).

Инсон ернинг бу баракасидан фойдаланиши учун Аллоҳга иймон келтириб, Унга тақво қилиши керак.

Бизга баракани ато этган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади